Лойиҳа доирасида жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон ОТМларидан жами бўлиб 20 нафар ўқитувчи ва талабалар Италиянинг Саннио университети ва Санто-Стефано клиникаси ҳамда Франциянинг Сорбонна университетларида малака ошириш курсларида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Қарши филилининг олти нафар ўқитувчилари Франциянинг Сарбонна университетида малака ошириш курсларини ўташди. Ўқув курслари университетнинг Интеллектуал тизимлар ва роботатехника институти (The Institute for Intelligent Systems and Robotics (ISIR)) лабораториясида [5] ташкил этилди. ISIR кўппрофилли тадқиқот лабораторияси бўлиб, бир қанча мухандислик фанлари бўйича олимлар ва тадқиқотчиларни ўзида бирлаштиради. У Сорбонна университети ҳамда Миллий илмий-тадқиқот марказининг ҳамкорликдаги тадқиқот лабораторияси ҳисобланади.

Қарийб икки хавфта давом этган ўқиш даврида қуйидаги курслар тингланди: Physical Interaction, Modelling, Physiopathology, Functional recovery, Physical Interaction, Balance Control, Exoskeleton, Virtual Environment, Prosthesis, Biomechanics.

Виртуал реаллик. Виртуал реаллик терминини биринчи бўлиб 1986 йилда Жарон Ланиер [6] қўллаган бўлиб, у интерактив 3D-визуализацияга мослашган компьютер, бош учун дисплей ва қўлқопдан иборат технологик қурилмалар дея тасвирлаган. Бугунги кунда виртуал реаллик деганда инсонларга ўзларининг табиий ҳислари ва билимлари ёрдамида реал вақтда компьютерлашган 3D маълумотлар базаси билан самарали боғланишига имкон берадиган технологиялар тўпламини тушунамиз. Виртуал реаллик биринчи марта 90-йилларда тиббиёт ходимига операция ўтказишда ва уни режалаштиришда мураккаб тиббий маълумотларни визуаллаштириш учун фойдаланила бошлаган.

Виртуал реаллик тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Маълумотлар базасини қуриш ва виртуал объектларни моделлаштириш учун дастурий таъминот;
- Киритиш қурилмаси (трекерлар, қўлқоплар ёки фойдаланувчилар интерфейси);
- Тасвир яратиш тизими;
- Чикариш қурилмаси (визуал, овозли ва тактил);
- Виртуал реалликнинг сенсорли сезгиларини юбориш.



Виртуал реаллик ҳозирда тиббиёт соҳасида айниқса хирургия ва стоматологияда, ходимларни ўқитиш ва операцияни режалаштиришда қўлланилмоқда ва истиқболли хисобланмоқда. ISIR лабораториясида ўқув жараёнида виртуал реалликнинг содда иловаларини яратиш учун Blender 1.6 дастури ва қурилмасдан ва Python дастурий воситасидан фойдаланилади.

Биомеханика. Ер юзидаги барча турмуш тарзи, шу жумладан одамлар, доимий бутун олам тортишиш қонуни асосида ҳаракатланади. Ушбу тортишиш қонуни ва таъсир кучларини ўрганиш орқали танамиз шакли, вазифаси ва ҳаракатини ўрганишимиз ва натижада ҳаётимиз сифатини яхшилаш учун қўлланиладиган билимларга эга бўлишимиз мумкин. Гравитация ва бошқа кучлар остида инсоннинг ҳаракатланишини, асаб тизимининг назорати остида суяк, мушаклар, бўғимлар, мушак-скелетал тизими остидаги бўғинлар ўртасидаги мураккаб механик ўзаро алоқани мувофиқлаштириш орқали эришилади.

Мушак-скелетал тизими ёки унинг айрим элементларига етказилган ҳар қандай жароҳат ушбу механик таъсирни ўзгартириши мумкин ва бу ўз навбатида ҳаракатнинг бузилишига, беқарорликка ёки умуман ҳаракатсизликка олиб келади. Бошқа томондан механик муҳитни тўғри ўзгартириш, манипуляция қилиш ва назорат қилиш шикастланишни олдини олиши ва реабилитация қилинишига олиб келади. Шунинг учун ҳаракат таҳлиллари ёрдамида ҳаракат элементлари механикасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади [7,8].

Биомеханика – тирик тўқималар, органлар ва организмнинг бир бутунлигича механик хусусиятларини, бундан ташқари буларда кечадиган механик кечинмаларини ўрганувчи биологиянинг махсус бўлиmidир [9].

Ҳар қандай фаннинг, шу жумладан биомеханиканинг предмети билишнинг махсус объекти орқали аниқланади. Биомеханикани англаш объекти – бу инсонни ҳаракатга келтирувчи ҳатти ҳаракатлари, яъни тананинг актив ҳаракатланиш қисмлари ва тана ҳолатининг ўзаро боғлиқ тизимларидир [10].


Юқоридаги мулоҳазаларни инобатга олиб, Франциянинг Сорбонна университетига қилган сафаримиз чоғида проф. Frédéric Marin айнан шу биомеханика ва унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида курс доирасида маърузалар ўтказди.

1 – расм. Суяклар ва уларнинг механик хусусиятларини ўрганиши.

Инсон ҳаракатининг таҳлили. Барча ҳаракатлар ва ҳаракатлардаги ўзгаришлар ички ва ташқи кучларнинг таъсиридан юзага келади. Объектларга таъсир кучларининг ўзгариши объектнинг қўзғалмас нуқтадан ҳаракатланишига ёки унинг тезлигини ўзгариши учун муҳимдир. Объект тезлигининг ўзгариш миқдори таъсир кучининг катталигига ва йўналишига боғлиқдир [11]. Инсон ҳаракатини таҳлил қилиш бу тана ҳаракатлари, тана механикаси ва мушакларнинг фаолиятини асбоб ускуналар орқали ўлчаш, эҳтиёткорлик билан инсон ҳаракатини кузатиш орқали амалга оширилади. Инсон ҳаракатини таҳлил қилишнинг махсус бўлими юришни таҳлил (gait analysis) қилиш бўлиб, инсонларнинг юриш қобилиятига таъсир кўрсатадиган шарт-шароитларни баҳолаш, режалаштириш ва даволаш учун қўллашдан иборатдир.


Шундай экан, Европа иттифоқининг Ерасмус+ дастури бўйича “TechReh” лойиҳаси доирасида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Қарши филиали, ҳамда Тошкент педиатрия медицина университети ва унинг Нукус филиалларида ўрнатилган лаборатория жихозлари, қурилма ва дастурий таъминотлари орқали инсон ҳаракати билан боғлиқ турли изланишларни олиб бориш мумкин. Жумладан, FreeMG аппарат-дастурий таъминоти орқали инсон мушаклари активлигини, G-sensor аппарат-дастурий таъминоти орқали инсон ҳаракати ва тана ҳолатини ўрганиш мумкин. Ушбу комплекслар биргаликда Инсон биомеханикаси йўналишида қатор изланишлар олиб бориш имконини беради.

Реалибитацiя жараёнлари учун мехатроник тизимларни лойиҳалаш – бу йўналиш тиббиётда даволаш терапияси давомида ассистент, яъни ёрдамчи вазифасини бажарувчи тизимни тақдим этувчи йўналиш ҳисобланади. Бунда қурилмаларни лойиҳалаш ва уни кинетик таҳлил қилиш каби басқичларни қамраб олади. Елка ва тирсак каби инсон тана қисмларининг ҳаракатини тиклаш каби терапия даволаш жараёнларида иккита алоҳида механизмларнинг уйғунлашган ҳаракатини фақат битта двигател ёрдамида ҳаракатланишни таъминлайдиган қурилмалар яратилади (2-расм).



2 – расм. Инсон қўл ҳаракатини симуляциясини бажарувчи мехатроник қурилма

Бундан ташқари тегишли ҳаракатланишга кўмаклашувчи қурилма яратиш жараёнида ҳар бир қисм механизмларнинг ҳаракатланиш траекториялари ва тезланишлари таҳлил қилинади ҳамда тегишли графиклар чиқарилади (3 - расм).



3 – расм. Инсон тирсак қисми ҳаракатланиш траекториялари ва тезланишларини таҳлил қилиш жараёни

Юқоридагиларни умумлаштирганда, бу йўналишдага асосий мақсад, даволовчи шифокор терапевтларга елка ва тирсак қисмларида ҳаракатланиш нуқсонини бор беморларнинг соғлом ҳаракатланиш даражасини тиклаш жараёнларида мехатроник тизимларни лойиҳалаштириш ва тегиш қурилмаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Сорбонна университетидида мехатроник тизимлар ва инсон ҳаракати ўртасидаги алоқаларни ўрганиш каби тизимларни лойихалаш курслари асосан магистратура йўналишларида ўқитилади. Яъни бу 2 ўқув йили – 4 семестрни ўз ичига олади. Бунда биринчи йилда асосан мехатроникага тегишли билимлар ўргатилади. Талабалар мехатроник роботларни компютер воситаси ёрдамида бошқариш кўникмаларини ўзлаштиришади. Иккинчи ўқув йилида эса юқори даражадаги мехатроник тизимларни моделлаштириш ёрдамида билимларини мустаҳкамлашади. Ўқиш давомида улар инсон ва машина ўртасидаги ўзаро алоқа концепцияларини, инсонда қайта тиклаш имкони бўлган тана ҳаракатларининг функционал ва механик ҳолатини, тизимларини ишлаб чиқиш жараёнларини ва уларга тегишли тушунчаларни танишадилар. Талабаларнинг ўрганиш соҳалари асосан қуйидагилар:

- ✓ Хавфсизлик талабларига жавоб берадиган механик лойихалаш;
- ✓ Бажарувчи механизмларни интеграциялаш ва бошқариш;
- ✓ Инсондан юбориладиган маълумотларни жамлаш платформаси;
- ✓ Даволаш ва тиббий мониторинг қилиш мақсадида сигналлар ва тасвирларни қайта ишлаш.

Ушбу ўқув дастури давомида ўзлаштирилган билим ва кўникмалар тиббий муҳит ва реал тизимларда амалий бажариш асосида мустаҳкамланади. Шунингдек, бу жараёнларни спорт жараёнлари ва интерактив ўйинларда ҳам кундалик ҳаётда тадбиқ этиш мумкин.

Шундай қилиб, ТАТУ ва унинг Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ташрифининг асосий ТАТУнинг Компьютер тизимлари ва тармоқлари кафедрасида янги ташкил этиладиган Тиббиётда компьютер тизимлари магистратура мутахассислиги талабаларига Европанинг илғор олий таълим муассасалари тажрибасидан фойдаланган ҳолда назарий ва амалий кўникмаларни беришдан иборат эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Норматов Ш., Узakov З. Инновационный подход к проблеме реабилитации. Олий таълим тараққиёти истиқболлари журнали. Мақолалар тўплами. 2016 й. 155-158 бетлар.
2. Норматов Ш. “Таълим ва илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни” мавзусидаги ўтказилган Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 5-6 май. 254-255 бетлар. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали.
3. Раҳматуллаев М., Ганиева Б., Шукуров К., Норматов Ш. Ўзбекистонда телемедицина бўйича магистрларни тайёрлаш истиқболлари. Олий таълим тараққиёти истиқболлари журнали. Мақолалар тўплами №5, 2017 й.
4. Тургунов О., Норматов Ш., Зоҳиров Қ. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш истиқболлари мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами, 85-87 бетлар. 2018 йил 20-21 апрель.
5. <http://www.isir.upmc.fr/?lang=en> Web site of the Institute for Intelligent Systems and Robotics
6. Pensieri Claudio & Pennacchini Maddalena. Overview: Virtual Reality in Medicine. Journal of Virtual Worlds Research Vol. 7, No. 1. <http://jvwresearch.org>
7. Clinical Gait Analysis, University of Vienna, Austria. History of the study of locomotion. <http://www.univie.ac.at/cga/history/>.
8. Nigg BM, Herzog W. Biomechanics of the musculo-skeletal system. 3rd ed. Hoboken NJ: John Wiley & Sons; 2007.

9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Биомеханика>
10. <https://studfiles.net/preview/2376984/>
11. Watkins J. Structure and function of the musculoskeletal system. Champaign: Human Kinetics; 1999

ҲАМКОРЛИҚДАГИ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ВА ҚЎШ ДИПЛОМЛАР – ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗАЦИЯНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Рихсиева Г.Ш.

Мақолада олий таълимда интернационализация, унинг муҳим кўрсаткичи бўлган ҳамкорликдаги таълим дастурлари ҳамда қўш дипломлар масаласи, уларнинг бугунги кундаги долзарблиги ҳақида сўз юритилади. Халқаро ҳамкорлик шаклларининг ўзаро умумий ва фарқли жиҳатлари юзасидан фикр билдирилиб, мазкур дастурларни ташиқ қилишининг мақсад ва вазифалари ёритилади. Шунингдек, Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳамкорликдаги таълим дастурлари ва қўш дипломларни жорий этишни ташиқ этиш бўйича таклифлар билдирилади.

JOINT PROGRAMS AND DOUBLE DEGREE DIPLOMAS - KEY INDICATORS OF INTERNATIONALIZATION

G. Rikhsieva

The article deals with the issues of internationalisation of higher education, the relevance of creating joint programs and double degree diplomas as the main indicators of international cooperation. There are noted general and various properties of the forms of international cooperation, their goals and objectives. And also, the author makes proposals on the organization of the process of creating the introduction of joint programs and double degree diplomas in the system of Higher Education in Uzbekistan.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда бўлгани каби олий таълим соҳасида ҳам жаҳон тажрибасини ўрганиш, хорижий инвестицияларни тармоқ доирасида жалб этишга эътиборни кучайтириш, бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида фаол иштирок этиш куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Олий таълим ёки олий таълимдан кейинги тизимда ҳам ривожланган мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш бўйича натижадор тажрибаларини бизнинг тизимимизга олиб кириш юзасидан сўнгги йилларда бир қатор ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди. Бу нафақат олий малакали кадрлар тайёрлашнинг босқичларида, балки фан ва таълим интеграцияси, битирувчиларни иш билан таъминлашга қаратилган фан, таълим ва ишлаб чиқариш учлиги, талабалар амалиётини ташкил этиш, илмий лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш, педагогларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқув-методик адабиётлар яратиш, илмий фаолиятни ташкил этиш, халқаро илмий иқтибослик даражасини ошириш, илмий нашрлар бўйича фаолликни ошириш каби муҳим йўналишларда ҳам хорижий тажрибанинг кўплаб элементлари жорий этилаётганлигида кузатилади.

Охирги йилларда олий таълим муассасаларида мазкур йўналишларда илғор тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш йўлида ўзига хос эркинликнинг пайдо бўлгани, натижага қаратилган экспериментал фаолиятга қизиқиш орگانлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги янгича ўқитиш методлари, турли янгича таълим жараёнилик ва ўқув-методик қўлланмалар мажмуалари, талабалар билимини баҳолаш методлари, баҳо қўйиш мезонларидаги ўзгаришлар, ўқув режаларидаги фанлар блокларидаги таксимот ва фанларнинг миқдорий

мутаносибликдаги янги фаркланишлар, қолаверса, кредит тизими элементларини жорий этишга қаратилган экспериментал амалий фаолият кабилар изланишлар оқимининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Буларнинг орасида бугунги кунда энг долзарб бўлиб, давлат таълим сиёсати даражасида юқори аҳамият қаратилаётган жиҳат бу – таълимнинг халқаролашуви, яъни интернационализациясидир. Олий таълим муассасаларининг бу борадаги стратегиялари ишлаб чиқиётганлиги, жаҳоннинг етакчи турдош университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва биргаликда ўқув, илмий, малака ошириш борасида турли дастурларни тузиш, лойиҳалар яратишга имконият яратиш ҳар бир ташкилот олдида қўйилган зарурат ва мажбурият эканлиги ҳаммага аён.

Эразмус+ дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳалар, Болонья жараёнининг муҳим жиҳатларини тарғиб этишга қаратилган кўплаб тадбирларнинг ўзак-негизида олий таълимда интернационализацияни кенгайтиришга эришиш мақсади ётади.

Интернационализация –

- халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;
- олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;
- танлаш имкониятини кенгайтириш;
- замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув жараёнини таъминлаш;
- инфраструктурани янгилаш ва модернизация қилиш;
- таълим сифатини халқаро стандартларга томон йўналтириш;
- олий таълимда инновацияларга йўл очиш;
- академик мобиллик ва талабалар мобиллигини таъминлаш;
- замонавий илм-фан билан интеграция кабиларга имкон яратувчи кенг тармоқли фаолиятдир.

Ушбу фаолият юқоридагиларни таъминлашга қаратилган муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Булар қуйидагилар:

- ОТМларнинг турдош университетлар билан икки томонлама шартномалар тузиши;
- турли тармоқ, уюшма ва марказлар орқали илмий фаолият йўналишларига киришиш ва янгилекларни ўрганиш, қиёсий тадқиқотлар яратиш ва амалиётга жорий этиш;
- илм-фан ва таълимни қўллаб-қувватлаш фаолияти билан шуғулланадиган халқаро фондлар ва ташкилотларнинг грантлари асосида лойиҳалар яратиш, танловларда иштирок этиш ва молиялаштиришга эришган ҳолда хорижий ҳамкорлар билан лойиҳаларни амалга ошириш;
- очик ва дистанцион ўқитишга мўлжалланган тўсиқларсиз таълим учун имконият яратиш, бунинг учун замонавий техника ва технологиялар, дастурий таъминотларга эга бўлиш;
- ўқув режалари ва дастурларини ислоҳ қилиш;
- мутахассисларнинг ҳамкорликда илмий ва услубий тадқиқотлар яратишига эришиш ва б.

Яқиндагина Тошкентда бўлиб ўтган халқаро таълим форумида Россия ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида 150 та ҳамкорлик шартномаларининг тузилгани³¹ ҳам яқин ҳамкоримиз бўлган мамлакатдаги олий таълим тизими билин интеграцияга киришиш, интернационализацияни таъминлашга қаратилган жуда катта қадам бўлди. Бу ҳамкорлик шартномаларнинг негизида ОТМларнинг филиалларини очиш, ҳамкорликдаги факультетларни очиш, таълим дастурлари яратиш юзасидан амалга ошириладиган фаолиятнинг йўл хариталари ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси айнан олий таълимнинг халқаролашувига йўналтирилган фаолиятдир.

³¹ <http://xs.uz/ru/post/eduforum>, Народное слово online, 19.10.2018

Интернационализациянинг муҳим ташкилий элементлари ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Бугунги кунда унинг энг мураккаб, аммо натижага эришишнинг барча жиҳатини қамраб олиши мумкин бўлган икки кўринишига эътибор қаратилмоқда. Улар: ҳамкорликдаги таълим дастурлари (joint program) ва қўшма диплом (double degree) шакллари дир. Бу икки тушунчанинг моҳиятини фарқлаш зарур.

Ҳамкорликдаги таълим дастурлари (joint program) куйидаги жиҳатларга жавоб бериши зарур³²:

✓ дастурлар таълимнинг турли босқичлари (бакалаврият, магистратура ва докторантура) учун камида икки олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

✓ ҳар бир олий таълим муассасасида дастурнинг муайян қисми ўқилади;

✓ дастурда иштирок этувчи талабалар сони мутаносиблиги таъминланиши керак;

✓ ҳар бир ОТМда ўтиладиган дастур қисмининг давомийлиги, яъни муддатлари ҳам мутаносиб бўлиши керак;

✓ ўқиш муддатлари ва топширилган имтиҳон натижалари ҳамкор ОТМлар томонидан тўлиқ тан олинishi зарур;

✓ ҳар бир ОТМнинг ўқитувчилари ҳам бошқа ОТМларда таълим жараёни бериши, ҳамкорликда ўқув режалари ишлаб чиқиши, қабул ва имтиҳон жараёнларида иштирок этадилар;

✓ дастурни тўлиқ ўқиб тугатган талабалар ҳамкор ОТМлар томонидан биргаликда бериладиган диплом ёки сертификатга эга бўладилар.

Ҳамкорликдаги таълим дастурларини куйидаги турлари мавжуд:

1. *Аккредитацияланган дастурлар*. Бунда бир ОТМ иккинчи ҳамкор ОТМнинг эквивалент, яъни муқобил бўлган дастурларини тан олади ва ҳамкор ОТМ битирувчисига ўз дипломини беради.

2. *Франчайзинг дастурлари*. Бунда таълим сифати ва кадр тайёрлаш сифати назорати ҳуқуқини сақлаган ҳолда бир ОТМнинг иккинчи ҳамкор ОТМга ўз таълим дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

3. *Қўшма диплом дастурлари*. Бу шаклда ўқув режалари, дастурлари, таълим методлари, талабалар билимини баҳолаш, таълим натижаларини ҳар икки ОТМда тан олиш, дастурни амалга ошириш бўйича умумий бошқарувга эга бўлиш, қўшма дипломни бериш назарда тутилади.³³

Таъкидлаш жоизки, ҳамкорликдаги дастурлар битирувчиларига бериладиган ҳужжат икки ОТМ раҳбари томонидан имзоланади. Бериладиган ҳужжатга илова тарзида Европа таълим муҳитида ўзаро тан олинган ҳужжат сифатида Diploma Supplement (DS) юритилади. Бу асосан магистрлик дастурларида дипломнинг иловаси бўлиб, унда ҳар икки ҳамкор олий таълим муассасаси томонидан тан олинган ҳужжат ҳисобланади. Унда талабанинг барча баллари (жумладан, ECTS), берилган малака тавсифи, таълим тизимининг муҳим белгилари ифода этилади. Аммо ҳозирги кунга қадар ҳам Европа олий таълим муассасаларининг ҳаммасида ҳам мазкур талабларга жавоб берадиган ва ўзаро тан олинган диплом иловасини бериш тўлиқ йўлга қўйилган эмас.

Қўш диплом (double degree) икки ёки ундан ортиқ таълим муассасаси томонидан интеграциялашган таълим дастурлари асосида ташкил этилган таълимни тугатган битирувчига берилади. Бу икки мамлакат ОТМининг ўзаро тан олган ҳолда

³² Совместные образовательные программы: состояние, проблемы, перспективы/
<https://almavest.ru/ru/node/1255>

³³ Совместные образовательные программы: состояние, проблемы, перспективы/
<https://almavest.ru/ru/node/1255>

ҳамкорликда бир хил таълим йўналиши (бакалавриат), бир хил магистратура мутахассислиги ёки бир хил докторантура ихтисослиги бўйича тақдим этилади. Ҳар икки диплом ҳам тан олинади. Бунда талаба ҳар икки мамлакат олий таълим муассасасининг таълим дастурлари бўйича ўқийди, баҳоланади ва муайян йўналишда дипломларга эга бўлади.

Қўш диплом атамасини қўллаганимизнинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Европа таълим муҳитида икки мамлакатнинг олий таълим муассасаларида ҳамкорликда юқоридаги талаблар асосида ташкил этиладиган ва диплом бериладиган жараён турлича номланади. Жумладан, **double degree program, dual degree, combined degree, conjoint degree, joint degree, simultaneous degree or double graduation program** каби турлича номлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида таълим икки ОТМда параллель равишда ташкил этилиши кўзда тутилади.

Ўзбек тилида эса **қўшма дастурлар** атамасини ҳар икки ҳолатда, яъни *joint programs* ва *double degree* тушунчасига мувофиқ ҳолатда ишлатилишини кузатамиз. Аслида қўшма диплом дастурлари юқорида таъкидлаганимиздаек, аккредитацияланган, франчайзинг дастурлари қаторида ҳамкорликдаги дастурлар доирасида туради. Демак, **қўшма диплом дастури (совместный диплом)** ва **қўш диплом (двойной диплом)** атамаларини фарқлаш керак, деб ўйлаймиз.

Интернационализациянинг муҳим кўрсаткичи бўлган ҳамкорликдаги таълим дастурлари ва қўш дипломларни жорий этишни ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

1. Ўзбекистон **олий таълим муассасаларининг аккредитациясини халқаро миқёсга олиб чиқиш** орқали ҳамкорликдаги дастурлар ва қўш дипломлар олиш, умуман жаҳоннинг етакчи университетлари билан кенг ҳамкорлигини йўлга қўйиш мумкин.

2. Олий таълим муассасаларида бериладиган **дипломларнинг тан олиниши ва нострификацияси масаласини** ҳам юқори даражада ҳал этиш тадбирларини амалга ошириш зарур, акс ҳолда бугуни кунда қўйилаётган талаблар доирасида интернационализацияги эришиш мумкин бўлмайди.

3. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини кафолатлаш учун босқичма-босқич хорижий мустақил экспертлар, **таълим сифати назорати бўйича халқаро агентликларининг талаблари, баҳолаш мезонларини ўрганиш ва уларнинг тизимларига кириб боришга** эришиш керак.

4. Олий таълим муассасаларининг интернационализация жараёнидаги фаоллигини рағбатлантириш мақсадида давлат миқёсида **“Олий таълим интернационализацияси – 2019” мукофотини жорий этиш** мақсадга мувофиқ. (Бундай мукофот Россия ва МДХ мамлакатлари университетлари учун таъсис этилган)³⁴

5. Ҳуқуқий меъёрий асосни, тегишли расмий ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амлиётга олиб кириш анча вақт талаб қилади, албатта. Мазкур жараён давомида ОТМларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва талабаларини **халқаро ҳамкорлик шакллари билан кенг таништириш** ва уларнинг билимларини чуқурлаштириш бориш зарур. Жумладан, интернационализацияни таъминлайдиган шакллар ва кўрсаткичлар, уларнинг ўзаро фарқли ва муштарак жиҳатлари, халқаро фондлар ва уларнинг грантлари, мобиллик дастурлари бўйича грантлар ва уларнинг аҳамияти ва талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш талаблари, илмий фаолият ва таълимни такомиллаштириш бўйича лойиҳалар яратиш ва жорий этиш юзасидан кўплаб семинар, тренинглар ташкил этиш зарур.

6. Ҳозирда Erasmus+ дастурлари доирасида лойиҳаларда иштирок этиб келган **тажрибали лойиҳа иштирокчилари, миллий экспертлар гуруҳи аъзолари**

³⁴ https://www.iunc.net/HigherEd_Internationalization_Award.html

томонидан мунтазам ва масаланинг турли томонларига қаратилган таҳлилий ва услубий семинарлар ўтказиб, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш керак.

7. Интернационализацияни тушуниш, жараёнда иштирок этишни фаоллаштириш, жумладан, Erasmus+ ташкилотининг турли дастурлари, ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ҳақида Миллий офис томонидан берилаётган ахборотларнинг барча ОТМларда чуқур ўрганилиши ва тарғиб қилиниши учун **Халқаро алоқалар бўлимлари фаолиятини ҳам кенгайтириш, халқаро ҳамкорлик дастурлари биан ишлайдиган ходим** учун алоҳида штат ажратиш, уларнинг масъулиятини ошириш зарур.

8. Ҳамкорликдаги таълим дастурларини жорий этган ОТМларни ва уларнинг лойиҳалар иштирокчиларини **рағбатлантириш механизмларини** йўлга қўйиш керак. Олий таълим муассасалари рейтингда мазкур масалаларга ҳам босқичма-босқич эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

РАЗМЫШЛЕНИЯ О СТРУКТУРЕ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Р.И.Халмуратов

В статье рассматривается структура высших образовательных учреждений. Проанализировано, что дальнейшее продвижение по пути повышения качества подготовки специалистов требует, кроме всего, и определённые структурные преобразования. А также, показано, что перечень направлений образования бакалавров и специальностей магистров вузов требует принципиальной и независимой инвентаризации. Сделано заключение, что реформам должны сопутствовать продуманные и поэтапные структурные преобразования.

REFLECTIONS ABOUT THE STRUCTURE OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

R. Khalmuradov

In article the structure of the highest educational institutions is considered. It is analyzed that further advance on the way of improvement of quality of training of specialists demands, except everything and certain structural transformations. And also, it is shown that, the list of the directions of education of bachelors and specialties of masters of higher education institutions demands basic and independent inventory. The conclusion is made that the thought-over and stage-by-stage structural transformations have to accompany reforms.

В стратегии организации высшего образования определённую роль играет структура вузов. Исторический экскурс в процесс появления и развития учреждений высшего образования восточной и западной культуры говорит о том, что в различные периоды жизни формировалась определённая структура школ (высших учебных заведений), продиктованная, вероятно, социально – экономическим этапом развития.

В Узбекистане реформы, в том числе в системе высшего образования, столь динамичны, что дальнейшее продвижение по пути повышения качества подготовки специалистов требует, кроме всего и определённые структурные преобразования.

Национальной программой определены три вида вузов: университет, академия, институт. Они отличаются профильностью, уровнем научных разработок. Под структурой в данном случае я бы подразумевал профильность, численность студентов,

состав направлений образования. При всех положительных изменениях в этом направлении я бы отметил некоторые проблемы, которые требуют внимания.

Первое, разобщенность родственных вузов даже в пределах одного региона (города), ну скажем ничем неоправданное, на наш взгляд, наличие в одном городе строительного, транспортного, автодорожного, либо иных вузов технического профиля. Примерно 30-60% кафедр (преподаваемых предметов) составляют те, которые идентичны или родственны. Известно, что у небольшой кафедры есть свои недостатки. Прежде всего, это ограниченность научной деятельности и методической работы. Вероятность рождения хороших, инновационных, результатов высока в коллективе, где сконцентрированы значительные интеллектуальные силы. Разбросанность научно-педагогических кадров по многим родственным кафедрам в пределах даже одного города снижает эффективность использования людских ресурсов. Кроме того, присутствие в учебном заведении нескольких сопредельных направлений образования только помогает появлению новых идей на стыке наук и специальностей. Возможности небольших кафедр физики, химии, биологии, информатики, математики, например, медицинского института значительно ограничены по сравнению с тем, если бы скажем, их (специалистов медицинского профиля) обслуживали физико-математический и биохимический факультет классического университета. Медицинское образование здесь приводится в качестве примера не для того чтобы обидеть эту категорию профессионалов, а потому что это наиболее контрастный пример. Такой путь выбран, кстати большинством ведущих мировых университетов, и оправдал себя. К примеру, в Израиле функционируют 8 медицинских факультетов, все они в структуре крупных университетов. Израиль на первом месте на душу населения по медицинскому туризму, они дают миру много инноваций, в том числе и в области медицины. То же самое можно сказать о вузах технического, естественно-научного профиля. Сложно развиваться инновационной науке в «разбавленной» среде. «Густая» научно-педагогическая среда более целесообразна для получения высокой эффективности научно-образовательного процесса. В связи с этим, вероятно, наступило время для пересмотра структуры вузов, имея ввиду прежде всего их укрупнение. Совершенствование системы управления, вероятно, позволяет произвести реструктуризацию и сети вузов. На данном этапе важно концептуально принять эту стратегию. Результаты каждого этапа реструктуризации периодически могут анализироваться, при необходимости вводиться коррективы, затем приступают к следующему этапу. Конечная цель – укрупнение вузов с целью концентрации научно – педагогического потенциала с целью повышения качества подготовки специалистов, результативности научно исследовательских работ.

Второе, действующий в республике Классификатор направлений образования и специальностей систематически совершенствуется и достаточно современен. Однако, перечень направлений образования бакалавров и специальностей магистров вузов требует принципиальной и независимой инвентаризации. Анализ и последующая реструктуризация позволит привести «перечень» каждого вуза в соответствии с их материально – технической базой и научно – педагогическим потенциалом. К сожалению, в последние годы наряду с положительными преобразованиями в вузах были и ряд упущений. При этом на память приходят «мёртвые души» Гоголя. Во что бы то не стало увеличить контингент студентов и вообще «душ», находящихся в своём подчинении, даёт определённый статус в обществе. Чем больше контингент, тем выше статус. «В переводе с социологического, на языке высшей школы это значит, количественная стабильность или рост контингента студентов даёт конкретному вузу возможность сохраниться корпоративно. Ибо основной его «продукт» - по существу студенты, даже не выпускники. Ведь бюджетное (и внебюджетное) финансирование и, следовательно, штатный состав планируется по традиции советских времён, исходя из количества приёма, а не от количества и тем более качества выпускника» [1]. Желание

во чтобы то не было расширить свой вуз, увеличить набор порой приводило к необоснованным открытиям новых специальностей. К сожалению, мы на это смотрели не всегда принципиально. В «старые» времена одной заявки было недостаточно для обновления номенклатуры специальностей вуза. Специальные комиссии на месте должны были убедиться в обоснованности желания ректора. Эта «болезнь» особо распространилась в начале 90-х годов, когда пошел процесс сокращения планов приёма и соответственно сокращение преподавателей. В результате резко увеличилось число «мелких» направлений образования (специальностей), с небольшой численностью студентов. Не пропорционально числу студентов повысилась часовая нагрузка кафедр и соответственно – преподавателей. В условиях нехватки профильных преподавателей (на вновь открытых направлениях), слабой (мягко говоря) лабораторной базы и перегрузки преподавателя снизилось качество подготовки на некоторых направлениях. Упорядочение перечня подготовки каждого вуза, с одновременным увеличением контингента на оправдавших себя направлениях - есть существенное подспорье без затратного повышения качества.

Наличие на каждом направлении образования не менее 50-100 студентов на курс позволит положительно использовать принцип концентрации в науке и образовании. Особенно это касается тех направлений образования, которые требуют значительного внимания и средств на создание и содержание лабораторной и опытно-конструкторской базы. Не ущемляя интересов высших образовательных учреждений можно сказать, что от этого выиграет не только общество, но и сам вуз: уменьшается распыление средств, повышается научно-педагогический и методический потенциал кафедр, самоконтроль и самооценка, морально-психологический климат и, прежде всего продуктивность коллектива. Возможны возражения: а не возврат ли это к монополии со стороны некоторых вузов? Думается, что на этот вопрос ответит состояние подготовки на вновь открытых направлениях, функционирующих последние годы. Несомненно, отдельные из них себя оправдали, а по другим нужно делать выводы. При этом «пугать» вуз тем, что мол «закрытие» специальности приведёт к сокращению контингента ничего хорошего не сулит. Контингент можно сохранять за счёт затребованных в экономике и оправдавших себя качеством в данном учреждении направлений образования (а таковые в каждом вузе найдутся). Коллектив вуза должен стать союзником такой реорганизации. Открытие же новых для данного вуза направлений – не искусственно рождённым продуктом, спровоцированным желанием сохранить свою работу, а результатом естественного роста научно-педагогического потенциала коллектива, социокультурной и экономической потребности региона.

Третье, при сохранении нынешней системы двухступенчатой подготовки специалистов остро нуждается во внимании магистерская подготовка. Нет необходимости напоминать об общеизвестных проблемах подготовки магистров [2]. Не будет преувеличением, если скажем, что она не очень удалась. Опять-таки, с моей точки зрения, одной из причин является «обмельчение» набора, чрезмерное дробление на специальности в условиях, ещё пока недостаточности узкопрофильной восприимчивости потребителей. В условиях формирующегося бакалавриата, недоработка в магистерской подготовке существенно снижает весомость национального статуса высшего образования. Что можно отнести к недостаткам сегодняшней магистратуры? Прежде всего, низкий конкурс при поступлении, что прежде всего вызвано неопределённостью трудового статуса бакалавра и магистра. Практически, за редким исключением (например, научно-педагогическая деятельность), в настоящее время, одну и ту же должность может занимать как бакалавр, так и магистр. Наличие на каждом курсе специальности 3-5-х магистров не побуждает проведению лекционных и иных занятий. Магистратура основана на индивидуальной работе преподавателя со студентом, но при этом у студентов не наработан навык

самостоятельной работы, а у преподавателей - необходимая при этом последовательность и принципиальность в индивидуальной работе с магистрами.

Вольная трактовка структуры вуза, без его увязки с задачами проводимых реформ, специфики профильности и без учёта положительного мирового опыта в этом вопросе, существенно ухудшает качество и результативность образовательного процесса. Это говорит о том, что, как и было отмечено в начале, реформам должны сопутствовать продуманные и поэтапные структурные преобразования.

Список литературы

1. А. Осипов. Размышления о виртуальном конкурсе. Высшее образование в России, №1, 2004г.
2. Р. Халмурадов. Магистратура таълимига доир. Таълим, фан ва инновация. Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал, №4, 2017 й.

Приложение

Краткая информация о Болонском процессе

Болонский процесс – это процесс добровольного сотрудничества систем высшего образования европейских стран, направленный на создание общего образовательного и научного пространства. Начавшийся в 1999 году с подписания Болонской декларации 29 странами Европы процесс продолжает динамично развиваться, и каждые два года (2001-Прага, 2003- Берлин, 2005 - Берген, 2007 - Лондон, 2009 - Лёвен, 2010 - Будапешт/Вена (объявлено о создании ЕПВО), 2012 - Бухарест, 2015 – Ереван, 2018 – Париж) пересматриваются его цели и задачи.

Реформы систем высшего образования, инициированные подписанием Болонской декларации, ставят своей целью усиление роли и ответственности общественности в принятии решений в сфере высшего образования, академических свобод и автономии образовательных организаций. Проведение реформ становится возможным благодаря реализации общих структур образовательных степеней, единства в понимании принципов и процессов гарантии качества, а также использованию общих инструментов. Для всех участвующих стран основной задачей было увеличить мобильность студентов и преподавателей, а также способствовать успешному трудоустройству выпускников.

На сегодняшний день этот добровольный процесс включает в себя 48 стран-участниц, которые ратифицировали Европейскую культурную конвенцию Совета Европы (1954). В числе них есть и страны СНГ. Россия присоединилась к Болонскому процессу в сентябре 2003 года на берлинской конференции министров образования европейских стран. В 2005 году сразу 4 страны участницы договора об СНГ присоединились к Болонскому процессу (Азербайджан, Армения, Молдова и Украина). В 2010 году в Будапеште было принято решение о присоединении первого Центрально-азиатского государства - Казахстана. В мае 2015 года в Ереване 48-й страной-участницей стала Беларусь.

В Болонской декларации четко закреплён принцип добровольного участия всех регионов и стран мира в Болонском процессе и подписание Декларации не возлагает никаких обязательств, кроме стремления страны гармонизировать свое высшее образование с другими странами участницами. Более того в Болонской декларации подчеркивается полное уважение к разнообразным культурам, языкам, национальным системам и университетской автономии. Из-за растущего интереса неевропейских стран к процессу в 2015 году была разработана стратегия по сотрудничеству с остальными регионами мира.

11-12 марта 2010г. в Будапеште (Венгрия) и Вене (Австрия) состоялась юбилейная встреча министров высшего образования 46 европейских стран. В принятой декларации было отмечено, что 2010 год рассматривается как год достижения определенного прогресса в создании конкурентного и привлекательного Европейского пространства высшего образования - ЕПВО, где вузы способны выполнять разнообразную миссию в так называемом «обществе, основанном на знаниях», студенты активно участвуют в мобильности с соответствующим признанием квалификаций.

Болонский процесс – это уникальное партнерство между органами местной власти, вузами, студентами, ППС и сотрудниками вузов, а также работодателями, агентствами по обеспечению качества, международными организациями и европейскими институтами. ЕПВО построено через серию реформ и основано на доверии, сотрудничестве и уважении многообразия культур, языков и систем высшего образования.

Источник: <http://www.ehea.info/>

Краткие сведения об авторах

Mualliflar haqida qisqacha ma'lumotlar

Абдурахманова Азиза Каримовна

Координатор Национального офиса Erasmus+ в Узбекистане

Кандидат филологических наук

Область специализации: программы сотрудничества в сфере высшего образования, финансируемые Европейским Союзом, проектный менеджмент и мониторинг, разработка проектов междууниверситетского сотрудничества, развитие Болонского процесса и интернационализация высшего образования.

Электронная почта: coordinator@erasmusplus.uz

Ашууров Зуфар Абдуллоевич

преподаватель, Ташкентский государственный экономический университет,

Специалист в области менеджмента и корпоративного управления.

Электронная почта: zashurov@intal.uz

Вихров Игорь Петрович

Ведущий специалист по развитию медицинского образования в Инновационном центре Ташкентского педиатрического медицинского института.

Врач, Магистр Медицины

Область специализации: Вопросы Болонского Процесса, роль студентов в Болонском Процессе, мобильность и образование на протяжении всей жизни.

Электронная почта: igorvichrov@yandex.ru

Ганиева Барно Илхамовна

Заведующая кафедрой ИБС, Ташкентского университета информационных технологий, кандидат тех. наук, доцент.

Область специализации: Электронные библиотеки, управление информационно-библиотечными учреждениями, мировые информационные ресурсы для высшего образования

Электронная почта: barno_71@mail.ru

Исакова Зебо Муродовна

Докторант, Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Кандидат филологических наук.

Область специализации: менеджмент в экономике, педагогика, менеджмент в педагогике, международные связи, управление проектами.

В рамках аспектов Болонского процесса: Обеспечение качества образования, Квалификационные рамки, Взаимодействие между высшим образованием и наукой/обществом/ рынком труда, Внедрение европейской системы накопления и перевода кредитов (ECTS)

Электронная почта: zeboisakova@gmail.com

Касымова Назокат Анваровна

Ташкентский государственный институт востоковедения, член национальной команды экспертов в области высшего образования

Доктор политических наук, профессор

Область специализации: Глобальное развитие, региональная интеграция, международные отношения

Электронная почта: NazokatKasymova08@gmail.com

Кудайбергенов Жанполат Шамуратович

Начальник Главного управления Государственной инспекции по надзору за качеством образования при КМ РУз.

Кандидат экономических наук, доцент.

Специалист в области реформирования системы непрерывного образования

Электронная почта: janpolat@gmail.com

Норматов Шербек Бахтиёрович

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети докторанти.

Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассис.

Электронная почта: shb.normatov@gmail.com

Рахматуллаев Марат Алимович

Преподаватель Ташкентского университета информационных технологий, член национальной команды экспертов в области высшего образования;

Доктор технических наук, профессор;

Область специализации: информационные системы и сети, электронные библиотеки, экспертные системы, системный анализ.

В рамках аспектов Болонского процесса: обеспечение качества образования, проектный менеджмент и мониторинг, фандрайзинг.

Электронная почта: marat56@mail.ru

Рахимова Шахноза Анваровна

Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот кутубхона тизимлари” кафедраси ассистенти.

Социология фанлари мутахассиси.

Электронная почта: Shaxnoz10@mail.ru

Усманова Хурсана Хасан кизи

магистрант, Оксфордский университет, Великобритания

бакалавр/Международный Вестминстерский университет в г.Ташкенте

Управление бизнесом, стратегический менеджмент

Электронная почта: kh.usmanova@gmail.com

Халмурадов Рустам Ибрагимович

Ректор, Самаркандский государственный университет

Доктор технических наук, профессор

05.23.17 – строительная механика

Электронная почта: rector@samdu.uz

National Erasmus+ Office (NEO) in Uzbekistan

**11th floor, 107B Amir Temur street
International Business Centre
100084 Tashkent
Tel. +(998) - 71 238 99 21 / 238 99 18
Fax: +(998) - 71 238 58 99
neo@erasmusplus.uz
www.erasmusplus.uz
<https://www.facebook.com/erasmusplusuz>**